



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • http://xs.uz • E-mail: Info@xs.uz • 2013 йил 8 август, № 154 (5828) • Пайшанба

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Рамазон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб, миллий-диний қадриятларимизни сақлаш ва улуғлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Рўза ҳайитини дам олиш кунини деб эълон қилиш тўғрисида"ги 1992 йил 27 мартдаги ПФ-368-сон Фармонида мувофиқ:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2013 йилда Рамазон ҳайитининг биринчи кунини 9 август жума кунига тўғри келиши ҳақида қабул қилган қарорини инобатга олиб, 2013 йил 9 август дам олиш кунини деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.
2. Республика "Нуроний", "Маҳалла" жамғармалари, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа барча мутасадди идора, жамоат ташкилотлари Рамазон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.
3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2013 йил 7 август

АНЖУМАН

Пойтахтимизда Ўзбекистон Лизинг берувчилар уюшмаси фаолиятига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Банклари ассоциацияси мутасаддилари, республикамизда фаолият юритаётган лизинг компаниялари раҳбарлари ҳамда кредит ташкилотлари мутахассислари иштирок этди.

Лизинг хизматлари

Ўзига хослиги билан иқтисодиётимиз барқарорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутати

Маълумки, иқтисодий ривожлантиришда лизинг хизматларининг ўзига хос ўрни бор. Юртимиз лизинг бозори ҳақида сўз юритилганда, аввало, учта омил қайд этилади. Яъни дастлаб лизинг қонунчилиги шакллантирилган бўлса, иккинчи босқич ҳуқуқий базанинг такомиллашуви, ушбу бозорда иштирокчилар сонининг кўпайиши билан изоҳланади. Кейинги босқич эса лизингнинг омаллаштириш ва хизматлар бозорида рақобат муҳитини яратишга замин ҳозирлади. Пировадидда бугунги кунга келиб, ҳар бир фуқаро лизинг хизматларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлмоқда. Жорий йилнинг ўтган орти охирида республикамизда мавжуд лизинг берувчилар томонидан жами 357 миллиард сўмлик лизинг хизматлари кўрсатилгани,

лизинг амалиётларининг умумий портфели эса 1 триллион 403 миллиард сўмга етгани бунга яққол мисол бўла олади. Мамлакатимиз лизинг бозорининг ривожини кўрсатилётган хизматлар тури тобора кенгайиб бораётганида ҳам намоён бўлмоқда. Айтилик, бундан ўн йил аввал лизинг хизматларининг асосий қисми қишлоқ хўжалигига йўналтирилган бўлса, ҳозирги кунда лизинг компаниялари иқтисодиётимизнинг деярли барча тармоқларини қамраб олган. Яъни эндиликда лизинг берувчилар нафақат аграр тармоқ, балки автотранспорт, енгил саноат, тиббиёт, озиқ-овқат, мелiorация сингари соҳаларнинг вақилларига ҳам намунали хизмат кўрсатмоқдалар.

(Давоми 2-бетда).

2013 йил — Обод турмуш йили



Анъана, тажриба, маҳорат

Юртимизда "Обод турмуш йили" Давлат дастурида белгилаб берилган устувор вазифалар, хусусан, ёшларнинг ижтимоий фаоллигини кучайтириш, уларнинг тадбиркорлик лойиҳаларини рўйга чиқариш борасида амалга оширилаётган ишлар кўламини тобора кенгаймоқда. Бунда "Оила — маҳалла — таълим муассасаси" ҳамкорлиги, айниқса, катта самараларини бермоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида Навоий вилояти бўйича саноат корхоналарида касаначилик ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида кўрилган чора-тадбирлар натижасида 1171 иш ўрни яратилгани бунинг тасдиғидир.

Қизилтепаллик ёш тадбиркор Ситора Мухиддинова ҳам мамлакатимизда тадбиркорларга берилаётган

имкониятлардан унумли фойдаланиб, тумандаги Агросервис касб-ҳунар коллежи қошида "Чевар" миллий қуроқчилик тўғрисидаги таълим марказини ташкил этган эди. Айни пайтда бу ерда тикилаётган турли сўзаналар, палаклар, дастурхон ва ёстиқ жилдлари, сумкача, ҳамён, оёқ кийимлари сифати жиҳатидан алоҳида ажралиб туради. Бири-бирдан чиройли бу ижод на-

муналарини кўздан кечираркансиз, уларнинг оддий қийим ёки мато бўлакларидан тайёрланганига сира ишонгингиз келмайди.

— Қуроқнинг бундай услуби Қизилтепа, Навбахор ва Қармана туманларида кенг қўлланилади, — дейди коллежнинг тикувчилик йўналиши бўйича махсус фан ўқитувчиси Гулшан Тўрақулова. — Яъни ҳозир-

ги кунда ҳам қизларнинг келинлик сеплари ва бешик ёпинчиқлари шундай матолардан тикилади. Қолаверса, нақшинкор безаклар кайфиятни кўтариб, инсонни фалсафий мушоаҳадага чорлайди. Албатта, бу ёшларнинг дунёқараши кенгайтиришга хизмат қилади.

Коллежда таҳсил олаётган 12 нафар қиз — ушбу тўғарак аъзои. Улар ёзи таътилда ҳам бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида миллий қуроқчилик санъатини пухта ўрганишмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Маҳалла — ислоҳотларнинг фаол иштирокчиси

"Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилаётган "Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари" кўрик-танловининг худудий босқичлари якунланди.

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Бухоро шаҳрида ташкил этилган танловнинг вилоят босқичида шаҳар ва туман босқичлари ғолиблари ўзаро баҳслашди.

Маҳалла институтини ривожлантириш, жойларда тўпланган илгор тажрибаларни ўзаро алмашиш ва кенг оммалаштириш, ёш авлодни миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида камолга етказиш сингари қатор мақсадларни қамраб олган ушбу тадбир аввалида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасидаги долзарб вазифалар хусусида батафсил сўз юритилди. Шундан сўнг кўрик-танлов низомида кўзда ту-

тилган мезонлар асосида иштирокчиларнинг фаолиятига оид кўрсаткичлар баҳоланди ҳамда уларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлари тақдим этилди. Қатнашчилар савол-жавоб шартини бундан иш фаолиятига оид билим ва маҳоратларини ҳам синаб кўришди. Тадбир доирасида намунали фуқаролар йиғинлари фаолиятини хикоя қилувчи фотоальбомлар, стендлар, халқ амалий санъати намуналаридан иборат кўргазма ҳам уюштирилди.

— Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқа-

риш органларига бўлган эътибордан мамнунмиз, — дейди танлов қатнашчиси, Бухоро туманидаги "Саховат" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Хикмат Йўлдошев. — Жумладан, давлатимиз томонидан фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил июль ойидаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари меънасини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида асосан, фуқаролар йиғинлари ходимларининг ойлик иш ҳақлари оширилди. Роппа-роса бир йилдан сўнг, яъни жорий йилнинг июль ойида давлатимиз раҳбарининг Фармонида биноан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимидаги ходимлардан бир гуруҳи мамлакатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди.

(Давоми 2-бетда).

хабарлар

■ Бугунги кунда Фарғона вилоятида 88 та экспортчи корхона фаолият юритаётган бўлиб, улар томонидан тайёрланаётган рақобатбардош маҳсулотлар хорижликлар эътирофига сазовор бўляпти.

Риштон чиннисига — олтин медаль

Хусусан, яқинда Риштон туманидаги "Симакс Эф Зет" корхонаси маҳсулотлари Лондонда ўтказилган халқаро бизнес-форумда олтин медальга лойиқ кўрилди. Таъкидлаш кераки, айни пайтда мазкур корхонада Шарқ чиннисозлиги аъноалари асосида сержило ва бежирим буюмлар ишлаб чиқарилмоқда.

Набижон СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Компьютер орқали назорат қилинади

■ Когон туманидаги "Бухоро-Лабса" қўшма корхонасида кўпиртирувчи модда саналган алкинбензол сульфат кислотаси ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

— Бу маҳсулот маҳаллий хом ашёдан фойдаланилган ҳолда тайёрланапти, — дейди Марказий Осиёда ягона ҳисобланган мазкур корхона мутасаддиларидан бири Фахриддин Акрамов. — Ваҳолонки, у илгари валюта эвазига хориждан сотиб олинарди. Ишлаб чиқариш жараёни тўлиқ автоматлаштирилган бўлиб, у компьютер орқали назорат қилиб юрилади. Жорий йилнинг дастлабки ярмида 50 кишилик жамоамиз томонидан 1700 тоннадан ортиқ маҳсулот тайёрланиб, буюртмачиларга етказиб берилди.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Инвестициялар — ишлаб чиқаришга

■ Жорий йилнинг биринчи ярмида Қорақалпоғистон Республикасида қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга йўналтирилган 28 та лойиҳа муваффақиятли амалга оширилди.

Хусусан, тўртқўллик тадбиркор Нурулла Мавлонов банкнинг 20 миллион сўмлик кредити ҳисобида полиэтилен қувурлар ишлаб чиқариш лойиҳасини рўйга чиқарди. Айни пайтда бу ерда тайёрланаётган сифатли маҳсулотлар қурилиш ташкилотлари ҳамда аграр соҳада фаолият кўрсатаётган корхоналарга етказиб берилляпти.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ютуқлар мезони

■ Термиз шаҳрида фаолият кўрсатаётган "Лола имкон барака" хусусий корхонаси чеварлари томонидан тикилаётган болалар либосларига хориждан ҳам буюртмалар туша бошлади.

— Илгор технологиялардан фойдаланган мавжуд муваффақиятларнинг бош омили бўлмоқда, — дейди корхона раҳбари Сайёра Қўлматова. — Айни пайтда маҳсулотларимизнинг қарийб ярмини ташқи бозорда сотаямиз. Эндиликда мато тўқиш ҳечини ишга тушириш чораларини кўраямиз. Шунда маҳсулотларимиз сифати яхшиланади, унинг таннархи арзонлашади.

Нормурод ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

БИР РАҚАМ ШАРҲИ



Жорий йилнинг биринчи ярмида мамлакатимизда истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми

14,4 фоиз ўсди.

Ички талабни мувозанатли рағбатлантириш ва товарлар ишлаб чиқарувчи ҳамда хизматлар кўрсатувчи маҳаллий корхоналарни ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар самараси туфайли ана шундай ижобий натижага эришилди.

